

Навоий ш.

2021 йил "16" 07

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иессиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали томонидан низом асосида раҳбар А.Н.Бўриев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "NAVOIY BUNYODKOR AVTO SERVIS" МЧЖ номидан Низом асосида дирекори Т.Шарипов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича "Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 101а-йинни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш" объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг (2021 йил "14" 07_даги 2797-сон баённома) карори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 197 209 733 (бир юз туксон етти миллион икки юз туккиз минг етти юз уттиз уч) сўмни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 55 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмuni, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида

- 3 иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартномалар киймати ўзгармасдан тузилиши белгилаб кўйилсин.

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- курилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш;
- курилиш жараённида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.
7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукуқини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофик Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
 - Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофик пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

V. Тўловлар ва хисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **59 162 920** (эллик туккиз миллион бир юз олтмиш икки минг туккиз юз йигирма) сўмни ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача микдорида, бирок молия йили тугамасдан амалга оширилади.

VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан түсиқсиз танишиш хуқукига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боялаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

27. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қиласди.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ кабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда

кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлади.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан bogлиq тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини кўриклаш

34. Пудратчи обьектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

38. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгилangan тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгилangan қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимiga мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;

- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф қилинишни;

обьектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

44. Обьект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Обьект томининг кафолат муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

45. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, ушбу масала Навоий вилоят иктисадий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганды Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тутгалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинганды тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алохида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи нудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгариши ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш мuddати 2022 йил 31-декабрга кадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳукуқий кучга киради.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжинииринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали

Манзил: Навоий шаҳар,

А. Темур кучаси 4 уй

СТИР: 307910413

л/с: 400121860124017069902110001

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Газначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент ш. МБББ XX KM


МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар: _____

А. Бўриев

Юрист

Х.Буронов



“ПУДРАТЧИ”

“NAVOIY BUNYODKOR AUTO SERVIS” МЧЖ

Манзил: Навоий шаҳар, Меъморлар кучаси 25 уй 21 хонадон.

тел 97-228-00-70

СТИР: 303 356 242

Банк : Навоий ш., Микрокредитбанк АТБ

Навоий в.ф

МФО: 00198

х/р: 2020 8000 7004 4733 7001

ОКЭД _____

Рахбар: _____ Т. Шарипов



Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ЖАДВАЛИ

1-и лова

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг ҳусусиятларига қараб аниқлаштирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланади ва унинг ажралмас қисми деб қаралади.
 2. Келтүрмийдеги мажбурийлик ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

БУЮТМАЧИ

卷之三

30

10

ПУДРАТЧИ...

Рахбао

88

20

“Навоий шаҳар И.Каримов кӯчаси 101a-йини инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмими мұкаммал таъмирлаш” (босқычларга бүлгап ҳолда) бұнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобға олған ҳолдаги молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шарти	2021 йил үчүн қурилиш қийматы ойлар											
	январ	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
30 % бүннак(аванс) түлөві										59 162 920		
65 % бажарылган ишлар далолатномаларига асосан										128 186 326,45		

5 % таңдаштырылған жадеди тугаганидан сүнг

Жыл менен шашылабадыган мебдептердөр күймөтін жана ойларға Үйрөн ВМ 23-сон жарорига ассоц НКМК ға буюрттымағы тәмомидан түлөвөгө түркемен анықтады. Анықтадырылған күймөттердөрдөн буюрттымағы хисоб ракамында келип түшінген мебблоктер мүнайдастырылады.

БУЮ

Рахбан

M. V.

ПУДРАТЧИ

Рахбар

10

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Уй-жой коммунал хизмат курсатиш

базарийнг түрибосари

Н.Назиров

2021 й.

ТАСДИКЛАЙМАН"

Накий вилойт хокими

К.Б.Турсунов

2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 14 январдаги "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишхоналари жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишин ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 23-сонли карорининг 8-бандига асосан НКМК ДК тасарруфида бўлган кўп қаватли уй-жойларда амалга ошириладиган таъмилаш ишлар юзасидан 2021 йил учун
МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

Т/р	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошлигини ва фидайланшига төвсирини нисбетини	Фасад қисмини, инженерлик коммуникация тармоқларини мухаммал таъмилаш иншиёни		2021 йилжами қарзимал қўйилмаслир	Курилиш монтаж инштирининг умумий сиймати	шу нечмадан			Төвсирини муддати	Ажратилиш меблагни таълантириш	Экспертиза тулосаси риҳасни ва санаси	Тендер (тандиловлар нитижасига бўйича байланоми риҳасни ва санаси	Курилиш пуррат ташкилотини
			дона	минг сум			Жами буюртмачининг таржасатлари	Лонида-смета ва экспертиза харжасатлари	Буюртмачининг сислаши таржасати					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 10-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	211 021 538	211 021 538	199 415 353	11 606 185	4 220 431	7 385 754	50	211 021 538	№7351 27.04.2021 йил	№ 2702 13.07.2021 й.	"INDUSTRY FINANCE TRADE" МЧЖ
2	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 102-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	303 625 060	303 625 060	286 925 682	16 699 378	6 072 501	10 626 877	45	303 625 060	№7351 27.04.2021 йил	№ 2759 26.07.2021 й.	"ZARAFSHON BEST BUILD" МЧЖ
3	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 104-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	301 646 904	301 646 904	285 056 324	16 590 580	6 032 938	10 557 642	55	301 646 904	№7351 27.04.2021 йил	№ 2760 2021-07-20	"TEMURBEK QURILISH SERVIS" МЧЖ
4	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 106-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	121 422 137	121 422 137	114 743 919	6 678 218	2 428 443	4 249 775	55	121 422 137	№7351 27.04.2021 йил	№ 2761 14.07.2021 й.	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
5	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 110-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	300 176 630	300 176 630	283 666 916	16 509 715	6 003 533	10 506 182	55	300 176 630	№7351 27.04.2021 йил	№ 2765 15.07.2021 й.	"SHAVKATBEK NAVO" МЧЖ
6	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 151-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	361 573 636	361 573 636	341 687 086	19 886 550	7 231 473	12 655 077	50	361 573 636	№7351 27.04.2021 йил	№ 2768 14.07.2021 й.	"FAZILAT AVTO SERVIS" МЧЖ
7	Навоий шаҳар Низомий кўчаси 14-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	308 988 631	308 988 631	291 994 256	16 994 375	6 179 773	10 814 602	45	308 988 631	№7351 27.04.2021 йил	№ 2770 14.07.2021 й.	"HAZORA NON SAVDO" ХК
8	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	211 488 374	211 488 374	199 836 513	11 631 861	4 229 767	7 402 093	40	211 488 374	№7351 27.04.2021 йил	№ 2778 23.07.2021 й.	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
9	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12а-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	211 508 368	211 508 368	199 875 408	11 632 960	4 230 167	7 402 793	50	211 508 368	№7351 27.04.2021 йил	№ 2779 13.07.2021 й.	KUSAROV MOXIR TAMIR ХК
10	Навоий шаҳар М. Улугбек кўчаси 2-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	177 029 592	177 029 592	167 292 964	9 736 628	3 540 592	6 196 036	55	177 029 592	№7351 27.04.2021 йил	№ 2780 14.07.2021 й.	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
11	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 109-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	210 269 846	210 269 846	198 705 004	11 564 842	4 205 397	7 359 445	55	210 269 846	№7351 27.04.2021 йил	№ 2781 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
12	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 111-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	205 730 617	205 730 617	194 415 433	11 315 184	4 114 612	7 200 572	55	205 730 617	№7351 27.04.2021 йил	№ 2783 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
13	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 97-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	216 599 046	216 599 046	204 686 098	11 912 948	4 331 981	7 580 967	40	216 599 046	№7351 27.04.2021 йил	№ 2787 14.07.2021 й.	"BIRLASHGAN ENERGIYA XIZMATI" МЧЖ
14	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 97б-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	210 281 130	210 281 130	198 715 668	11 565 462	4 205 623	7 359 840	40	210 281 130	№7351 27.04.2021 йил	№ 2788 23.07.2021 й.	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
15	Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси 97б-йили инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мухаммал таъмилаш	2021-2021 йил	1	210 247 788	210 247 788	198 684 160	11 563 628	4 204 956	7 358 673	55	210 247 788	№7351 27.04.2021 йил	№ 2789 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ

Т/р	Объектлар номи ва мажизи	Курилиш бошланиши ва фойдаланишига ташкириш ишни	Фасад кисмими, инженерлик коммуникация тармоқларини мухаммал таъмириш ишлари	2021 йил жами капитал қўйилмалар	Курилиш монтаж ишларининг умумий ҳиймати	шу жумладидан			Төширини муддати	Ахряттилан маблагни учсантириш	Экспертнига тулосаси раъсими ва санаси	Тендер (таниловларни таъминлашган бунчук байнома расоми ва синси)	Курилиш нурат ташкилот номи	
						Жами буюртмачининг заржатлари	Лойиха-смета ва экспертиза харжатлари	Буюртмачининг сакстон харжати						
16	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 996-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	208 381 797	208 381 797	196 920 798	11 460 999	4 167 636	7 293 363	55	208 381 797	№7351 27.04.2021 йил	№ 2796 14.07.2021 й.	"QIZILTEPA KAPITAL QURILISH" МЧЖ
17	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 101а-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	208 687 548	208 687 548	197 209 733	11 477 815	4 173 751	7 304 064	55	208 687 548	№7351 27.04.2021 йил	№ 2797 14.07.2021 й.	"NAVOIY BUNYODKOR AVTO SERVIS" МЧЖ
18	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 142a-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	173 644 592	173 644 592	164 094 139	9 550 453	3 472 892	6 077 561	50	173 644 592	№7351 27.04.2021 йил	№ 2799 23.07.2021 й.	"MARS-2000" МЧЖ
19	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144a-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	172 457 740	172 457 740	162 972 564	9 485 176	3 449 155	6 036 021	50	172 457 740	№7351 27.04.2021 йил	№ 2803 23.07.2021 й.	"MARS-2000" МЧЖ
20	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 146-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	356 385 760	356 385 760	336 784 543	19 601 217	7 127 715	12 473 502	45	356 385 760	№7351 27.04.2021 йил	№ 2804 26.07.2021 й.	"NAVOIY MELIORASIYA" МЧЖ
21	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 148a-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	172 430 253	172 430 253	162 946 589	9 483 664	3 448 605	6 035 059	50	172 430 253	№7351 27.04.2021 йил	№ 2806 23.07.2021 й.	"MARS-2000" МЧЖ
22	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 150a-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	172 360 468	172 360 468	162 880 642	9 479 826	3 447 209	6 032 616	60	172 360 468	№7351 27.04.2021 йил	№ 2807 13.07.2021 й.	"NAVOIY MUXANDISI" ХК
23	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 152a-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	172 367 694	172 367 694	162 887 471	9 480 223	3 447 354	6 032 869	55	172 367 694	№7351 27.04.2021 йил	№ 2809 14.07.2021 й.	"BAHROMBEK KELAJAGI" ХК
24	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 140-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	177 629 048	177 629 048	167 859 450	9 769 598	3 552 581	6 217 017	55	177 629 048	№7351 27.04.2021 йил	№ 2811 14.07.2021 й.	"BAHROMBEK KELAJAGI" ХК
25	Навоий шаҳар М.Улугбек кўчаси 5-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	330 877 311	330 877 311	312 679 059	18 198 252	6 617 546	11 580 706	55	330 877 311	№7351 27.04.2021 йил	№ 2817 14.07.2021 й.	"BAHROMBEK KELAJAGI" ХК
26	Навоий шаҳар Галиба шоҳ кўчаси 210-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	234 780 652	234 780 652	221 867 716	12 912 936	4 695 613	8 217 323	55	234 780 652	№7351 27.04.2021 йил	№ 2819 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
27	Навоий шаҳар Галиба шоҳ кўчаси 214-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	235 170 837	235 170 837	222 236 441	12 934 396	4 703 417	8 230 979	55	235 170 837	№7351 27.04.2021 йил	№ 2829 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
28	Навоий шаҳар Галиба шоҳ кўчаси 216-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	385 368 387	385 368 387	364 173 126	21 195 261	7 707 368	13 487 894	55	385 368 387	№7351 27.04.2021 йил	№ 2830 20.07.2021 й.	"TEMURBEK QURILISH SERVIS" МЧЖ
29	Навоий шаҳар Галиба шоҳ кўчаси 216b-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	169 943 122	169 943 122	160 596 250	9 346 872	3 398 862	5 948 009	55	169 943 122	№7351 27.04.2021 йил	№ 2831 14.07.2021 й.	"BAHROMBEK KELAJAGI" ХК
30	Навоий шаҳар Галиба шоҳ кўчаси 212-ййни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад кисмими мухаммал таъмириш	2021-2021 йил	I	161 893 484	161 893 484	152 989 342	8 904 142	3 237 870	5 666 272	55	161 893 484	№7351 27.04.2021 йил	№ 2832 14.07.2021 й.	"BAHROMBEK KELAJAGI" ХК
